

Халқ депутатлари Термиз тумани Кенгаши доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди



Халқ депутатлари Термиз туман Кенгашинг навбатдаги доимий комиссия йиғилиши ЗООМ платформаси орқали бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича сектор раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда, Термиз тумани ИИБ томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида 2024 йилнинг I-чорагида олиб борилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.